

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Madad Invest Bank" ATB

Объявление

"MADAD INVEST BANK" AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI

[“МАДАД ИНВЕСТ БАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!](#)

**“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки
акциядорлари диққатига!**

**Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини чақириш
тўғрисида**

“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини 2022 йил 14 июнь куни, соат 11:00 да, Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 71-уйда жойлашган “STROY MONTAJ INVEST” МЧЖ маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Бошқарув ҳисоботини тасдиқлаш.
5. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси ҳисоботи(хулосаси)ни тасдиқлаш.
6. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, жумладан бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда аудиторлик ташкилоти хулосасини тасдиқлаш.
7. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2021 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
8. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва/ёки қайта сайлаш.

9. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва/ёки қайта сайлаш.

10. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Бошқарув раиси билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш.

11. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

“Мадад Инвест Банк” АТБ Кузатув кенгашининг 2022 йил 24 май кунги мажлиси қарорига асосан акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш учун банк акциядорлари реестрини 2022 йил 24 май куни ҳолатига ва акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрини 2022 йил 8 июнь куни ҳолатига тузилади.

Банк акциядорларини ва йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 14 июнь куни соат 10:00 дан 10:50 гача давом этади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда уларнинг вакиллари билан ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўйича маълумотлар билан Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 312-уйда жойлашган “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкида танишишингиз мумкин.

Банкнинг электрон почта манзили: info@madadinvestbank.uz (mailto:info@madadinvestbank.uz).

Маълумот учун телефонлар: +998-73-241-70-32, +998-73-241-70-44.

Банк кузатув кенгаши

24.05.2022

Источник: <https://openinfo.uz/announce/13449/>

Дата: 25.08.2026